



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 179 (13.512)

Баҳоси эркин нарҳда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!
Сиз, Жаноби Олийлари ва бутун Ўзбекистон халқига Хитой халқи ва ўз номидан қутлуг сана – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

26 йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, илмий-иқтисодий ривожланиш таъминланмоқда, мамлакатининг халқаро нуфузи муттасил ортмоқда, шунингдек, давлат қурилиши соҳасида юксак муваффақиятларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида фаолият бошлаганингиздан буён Сизнинг раҳнамолигингизда стратегик аҳамиятга эга қатор улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда, янги имкониятлар очилмоқда. Бу Ўзбекистон халқи томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Сиз жорий йил май ойида Хитойга илк давлат таширфини амалга оширдигиз ва "Бир макон, бир

йўл" халқаро форумида иштирок этдингиз. Сиз билан самарали музокаралар ўтказдик, икки томонлама муносабатларимиз ривожига янги суръат бахш этган қатор муҳим қарарларга эришилди.

Мен Хитой ва Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклини ривожлантириш ва Сиз билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратаман. Мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ХХР ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама шериклини биргаликда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Сиз билан ўзаро яқин муносабатларимизни изчил давом эттиришга тайёригимизни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасига тараққиёт, халқингизга фаровонлик ва бахт-саодат тилайман.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!
Сизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кўни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда эришган муваффақиятлари барчага маълум. Ўзбекистон жазони миқёсида юксак нуфузга эга мамлакат сифатида халқаро муҳим масалаларни ҳал этишда алоҳида ўрин тутади.

Давлатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлайман. Ўзаро алоқаларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамда Мар-

казий Осиёда барқарорлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги ишларни Сиз билан биргаликда давом эттиришга тайёр эканлими тасдиқламоқчиман. Ишончим комилки, бу Россия ва Ўзбекистон халқларининг манфаатларига тўла мос келади.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ўрмат билан,

Владимир Путин,
Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!
Сизни Қозоғистон халқи ва шаҳсан ўз номидан Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами – Мустақиллик кўни муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш борасида улкан ютуқларга эришди.

Қозоғистон қардош Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратади. Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши

қўшничилик муносабатлари бундан буён ҳам ўзаро ишонч ва халқларимизнинг қўллаб-қувватлаши асосида изчил ривожланишда давом этишига қатъий ишонаман.

Мухтарам Шавкат Миромонович, Сизга мамлакат тараққиёти йўлида давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятингизда мустаҳкам соғлиқ, улкан зафарлар ва чексиз шижоат, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эзгу тилаклар билан,

Нурсултон НАЗАРБӨЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги билан муборакбод этишга ихозат бергайсиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида сиёсат, дипломатия, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқа йўналишларда эришган улкан муваффақиятларни эътиром билан эътироф этаман. Сиз, Жаноби Олийлари, ўтган йил декабрь ойида Президент лавозимига киришганингиздан сўнг фаол амалга ошираётган сиёсий ислохотлар юксак самаралар беришига тилакдорман.

Давлатларимиз ўртасида 1992 йилда ўзаро дип-

ломатик муносабатлар ўрнатилганидан сўнг юксак ишонч ва дўстлик муносабатларига асосланган ўзаро манфаатли шериклик алоқалари мустаҳкамланиб бораётганини мени қувонтиради. Президент Жаноблари, жорий йилда Сиз билан Сеулда учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликни янада юқори даражага қўтариш учун зарур бўлган барча масалаларни муҳокама қилиб олишимизга умид қиламан.

Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига абадий фаровонлик тилайман.

Мун Чжэ ИН,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент жаноблари!
Қадри қардошим!
Сиз Жаноби Олийларини, Сизнинг тинимсизлигини бу-
тун ўзбек халқини Ўзбекистоннинг Миллий кўни муносабати билан муборакбод этишдан бағоят бахтиёрман.

Дипломатик муносабатларимиз ўрнатилганининг 25 йиллигига тўғри келган 2017 йилда ҳамкорлигимиз сезиларли даражада фаоллашди. Ўтган йил ноябрь ойида Самарқанддаги учрашувимиз бу жihat-
дамурилиш нуктаси бўлиб хизмат қилди ва муҳта-
замлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ор-
қали муносабатларимиз барча соҳаларда жадал ри-
вожланмоқда. Ишонамкин, шу йил октябрь ойида

Сизнинг Туркияга амалга ошираётган таширфингиз бугунги кундаги муносабатларимизни янги босқичга қўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ришта-
лари мустаҳкам пойдевор бўлган Туркия – Ўзбеки-
стон муносабатларини Сиз Жаноби Олийлари билан
бирга янада ривожлантириш тарих олдидидаги мушта-
рак масъулиятимиздир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноблари Олийларига
сўғат-саломатлик, бахт-саодат, қардош ўзбек хал-
қига омонлик ва фаровонлик тилайман.

Режеп Таййип ЭРДҲОН,
Туркия Республикаси Президенти



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида Наманган шаҳрида яна бир замоний корхона фаолият бошлади. Ички имкониятлар ҳисобидан 2 миллион доллар маблағ сарфланган мазкур лойиҳага қўра, янги корхонада хориж технологиялари асосида костюм ишлаб чиқарилади. 300 дан зиёд замоний тикув ма-

шинаси тўла қувват билан ишга туширилган, йилга 200 минг экспортбоп маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилади.

● Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб Сарийосиё туманида ўтказилган фести-
валь "Мустақиллик учун mening тухам" деб ном-
ланди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демокра-
тик партияси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сур-
хондарё вилояти кенгашлари, Сарийосиё тумани
хокимлиги, "Сурхондарё китоб олами" масъулият-
ли чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этил-
ган тадбирда партия фаоллари, кенг жамоатчи-
лик вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар иштирок
этиди.

● Қаршида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик
партияси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳам-
корлигида ташкил этилган "Ёш фермер – 2017"
кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Пойтахтимиздаги "Дўстлик боғи"
юртимизда истиқомат қилаётган
кўплаб миллат ва элатлар
вакиллари ўзига чорлади.

Ватанимиз мустақиллигининг
26 йиллигига бағишлаб "Фидойинг
бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!"
шиори остида ташкил этилган
байрам тадбирида Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Миллатлараро
муносабатлар ва хорижий
мамлакатлар билан дўстлик
алоқалари қўмитаси, миллий
маданий марказларнинг вакиллари
иштирок этди.



БОҒЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ўзбекистон халқ артисти Зинаида Соло-
вей ҳаёти, тақдирини жонажон диёримиз
билан чамбарчас боғлаган.

– Умрим давомида шу табаррук замин,
унинг меҳридарё, меҳнатсевар халқи туфай-
ли кўп ютуқларга эришдим, – дейди Зинаи-
да Ивановна. – Энг улуғ ва азиз байрамни
кўтаринки руҳда қўтиб олаётганимизнинг
бош омили ҳам тинчлик, тотувлик, ижтимо-
ий барқарорликдир.

Юртимизда барча миллат ва элат вакил-
ларининг таълим олиши, меҳнат қилиши,
ўз истеъдодини юзага чиқаришининг ҳуқуқий
кафолатлари Ўзбекистон Республикаси
Конституциясида қатъий кафолатланган.

– Ўтган 26 йил мобайнида Ўзбекистон
улкан, мисли қўрилмаган ютуқларга эриш-
ди, – дейди Рус миллий маданий маркази

раҳбари Александр Аристов. – Жонажон
Ватанимизда кўплаб миллий маданий мар-
казларнинг самарали фаолият кўрсатаётган
миллатлараро аҳиликнинг амалий инфо-
дасидир.

Тадбирда Ўзбекистонимизни, истиқлол-
ни, олижаноб халқимизни, гўзал инсоний
фазилатларини тараннум этувчи куй-қўшиқ-
лар ихро этилди.

Тошкент марказий эко боғида ҳам энг
улуғ, энг азиз айёмга бағишлаб ёшлар тад-
бири бўлиб ўтди. "Фидойинг бўлғаймиз
сени, Ўзбекистон!" шiori остида ўтказил-
ган маърифий лойиҳа Ўзбекистон ёшлар
иттифоқи Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек ту-
мани кенгаши томонидан ташкил этилди.

Ёшлар хос жўшқинлик, завқ, шижоат
акс этган тадбирга уюшмаган, алоҳида эъти-
ёли ёшлар тақлиф этилди. Сўлим боғда
баскетбол, футбол, волейбол бўйича му-
сobaқалар, қизиқarli спорт ўйинлари, халқ
амалий санъати ва миллий хунармандлик
бўйича кўргазма, модалар намойиши бўлиб
ўтди.

– Мазкур лойиҳани ўтказишда ёшларнинг
қизиқиши ва интилиши ҳисобга олинди, –
дейди 248-умумтаълим мактабининг 9-синф
ўқувчиси Шохногор Азизова. – Кўрсатила-
ётган эътиборга муносиб бўлиш биз ёшлар-
нинг бурчимиздир.

Фаол катнашчиларга эсdalик совгалари
топирилди. Ёш ижрочиларнинг концерт
дастури намойиш этилди.

Н.УСМОНОВА

Мафтунингман, Ўзбекистон!

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАРДАН ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида байрам руҳи
кезмокда. Юртдошларимиз Ватанимиз
мустақиллигининг 26 йиллигини шоду хуррамлик
билан нишонламокда. Ушбу қутлуг кунларда
юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар
ҳам тинч-осойишта Ўзбекистонда эришилаётган
ўзгаришларни эътироф этмокда.

ЎЗА муҳбири Саудия арабисти-
нилик Юсуф Мухаммад Якуб
Аъзам ҚўКАНДИЙнинг таассурот-
ларини ёзиб олди:

– Боболарим Ўзбекистонда ту-
ғилиб ўсган. Шу боис ҳар гал Ўзбеки-
стонга келганимда боболарим улғай-
ган туپроқни тавоф этаман, бу ота-
маконга жаннатмонанд юрт деган
таъриф бежиз берилмаганига имон
келтираман. Болалигимдан Ўзбе-
кистонни бир бор кўриш, гўзал ша-
ҳар ва қишлоқларида бўлиш, нони-
ни татиб, сувидан ичиш орзуси би-
лан яшадик. Бу орзуимизга фақат
Ўзбекистон мустақил бўлгандан
сўнггина эришдик. Бугун хорижда
яшаётган ватандошларимиз ўзбек
халқининг амалга ошираётган иш-
ларидан, Ўзбекистоннинг барча со-
ҳада эришаётган ютуқларидан мам-
нунликларини изҳор этади.

Ўзбекистонга ҳар галги саёҳати-
миз бизга улкан руҳий қувват, ҳало-
ват бахш этади. Бу гал ҳам шундай
бўлди. Ўзбекистонда буткул янгича
ҳаётни, шаҳар ва қишлоқлар ав-
валгидан-да обод, жадал тараққий
этиб, кўркам қиёфага кириб бора-
ётганини кўрдик. Тошкент шаҳри-
даги Халқаро анжуманлар саройи,
Маърифат маркази, Хастимон маж-
муаси, Мустақиллик майдони, ма-
ҳобатли кўприklar, равон йўллар,
довон ошаи пўлат излар – булар-
нинг бири ўзбек халқининг фидо-
корона меҳнати, истиқлол йиллари-
да Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти Ислам Каримов
раҳнамолигида мамлакатни барқар-
ор ривожлантириш йўлида амалга
оширилган ислохотлар самараси-
дир.

(Давоми 2-бетда)

МУСИҚА ҚАЛБЛАРНИ ЗАБТ ЭТДИ



Самарқанд шаҳрида "Шарқ
тароналари" XI халқаро musiқа
фестивали якунланди

Оҳанг, куй-қўшиқ инсон қалбида энг нафис туйғуларни
уйғотувчи, кишини руҳлантириб, эзгу ишларга бошловчи
қудратли куч. Тил, миллат танламайдиган наволар ҳеч қан-
дай таржимон, ҳеч бир воситасиз инсон юрагига кириб
боради. Дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди.
Тинчликни, маданиятни, маънавиятни тарғиб этади, инсо-
нийлиқни улуғлайди.

Йигирма йилдирки, "Шарқ тароналари" халқаро musiқа
фестивали ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиб кел-
мокда. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббу-
си билан ташкил этилган мазкур санъат форуми ўтган давр
мобайнида дунё халқлари миллий musiқа маданияти анъа-
наларини асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, тили, дини, мил-
латидан қатъи назар, барча халқларни санъат орқали яқин-
лаштириш ва улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мус-
таҳкамлашга қаратилгани билан ЮНЕСКО шафелигида ўтқа-
зилаётган йирик musiқа анжуманларидан бирига айланди.

Фестиваль "Шарқ тароналари" деб номланса-да, унда
дунё тароналари янграмокда. Бугунги кунга қадар мазкур
фестивалда сайёрамизнинг барча қиъаларидан 100 дан
ортиқ давлат, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва-
киллари иштирок этгани ҳам шундан далолат беради. Тад-
бирда катнашиш истагиди бўлганлар сафи йилдан-йилга
кенгайиб бормокда.

Бу йил жаҳоннинг 58 давлати санъат усталари "Шарқ
тароналари"да ўз musiқа ва қўшиқчилик анъаналари, ма-
даниятини намойиш этди. Фестивалда бир неча нуфузли
халқаро ташкилотлар раҳбарлари фахрий меҳмон сифати-
да катнашди. Улар мазкур санъат байрамининг турли мил-
лат ва элатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳ-
камлаш, тинчлик ва бағрикенгликни тарғиб этишдаги роли
ва аҳамиятини, Ўзбекистонда ушбу халқаро форумга ҳар
сафар катта тайёргарлик қўрилиши ва тадбирларнинг юк-
сак савияда ўтказилишини алоҳида таъкидлади.

– Самарқанд ўзининг бир неча минг йиллик ўтмиши
давомида цивилизация, илм-фан, маданият маркази бўла-
ни тарихдан яхши маълум, – деди Ислам ҳамкорлик таш-
килотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича
тузилмаси – АЙСЕКО Бош директори Абдулазиз Усмон
ал-Тувайжри. – Бу анъана бугун ҳам давом этмокда. Мен
дунёнинг турли давлатларидан келган олимлар фикрлари-
ни эшитиб, муқаддас қадимжолар, тарихий обидаларни зи-
ёрат қилиб, шаҳар билан яқиндан танишиб, бу муқаддас
заминга олдинроқ келмаганимга афсусландим. Самарқанд
қалбимдан чуқур жой олди ва мен бу ерга яна албатта
келаман.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбеки-
стон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иш-
тирок этиши ва анжуман катнашчилари ҳамда меҳмонла-
рини табриклаши сайёрамизнинг турли ҳудудларидан кел-
ган хонанда ва созанда, musiқашунос олимларни яна-
да руҳлантириб юборди.

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматул-лоҳи ва барокатуху
Сиз, Жаноби Олийларига мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номидан самимий табриклар ва эзгу истаклар йўллашдан мамнун-лигимни билдириб, Сизга сикат-са-

ломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига янада юксалиш ва фаровонлик тилайман.
Жаноби Олийлари, саломларимиз ва эҳтиромларимизни қабул қилгайсиз.
Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд, Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сизга, Жаноби Олийлари ва бутун ўзбек халқига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан бахт ва фаровонлик тилайман.

Филипп, Бельгияликлар Кироли

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Арманистон Республикаси Президенти
Серг Саргсян

Беларусь Республикаси Президенти
Александр Лукашенко

Тожикистон Республикаси Президенти
Имомали Раҳмон

Ҳиндистон Республикаси Президенти
Рам Натх Ковинд

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари
Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти
Абдулазиз Бутефлика

Сингапур Республикаси Президенти
Тони Тан Кенг Ям

Италия Республикаси Президенти
Сержио Маттарелла

Польша Республикаси Президенти
Анджей Дуда

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН
ЮТУҚЛАРДАН ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Азим Тошкентда, қолаверса, мамлакатнинг барча вилоятларида бўлаётган бугунги ўзгаришлар ҳам ана шу суръатга ҳамоҳанг. Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳалар изчил ривожлантирилаётди. Стратегия халқингиз ҳаётининг барча жабҳаларини ҳамраб олгани, мамлакатни келгусида барқарор ривожлантириш бўйича муаммалар асосга эга экани билан бутун дунё жамоатчилиги томонидан юксак эътироф этилаётди.


Биз ҳам юртингизда тадбиркорликка яратилган имкониятлардан фойдаланиб, Ўзбекистон кишоларига ҳужжатли инвестиция киритиш ниятидамыз. Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон – Саудия Арабистони" савдо уйини очиб йўлга олиб бораёламиз. Ушбу савдо уйи мева-сабзавотларни илгор технологиялар асосида қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш бўйича фаолият юритади.

Ўзбекистон – улугъ аллоамлар, муҳаддислар юрти. Истиклолнинг дастлабки йилларида Имом Бухорий, Имом Термизий, Бухорининг Марғионий, Абу Мансур Ал-Мотуридий каби буюк аждодларимиз номини абадийлаштириш, илмий меросини

тадқиқ қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳимиз. Бугун ҳам Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тарихни, маданиятни, олим-уламоларнинг бебаҳо меросини ўрганиш йўлидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилаётган тахсинга лойиқ. Мисол учун, ҳадис-шунос аллома Исо Термизийнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги зиёратгоҳи обод қилиниб, бу ерда илмий марказ барпо этилиб, мотуридия таълимотининг йирик вакили Абу Муин Насафий меросини тадқиқ қилиш сари қадамлар ташланди. Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислам маданияти маркази, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқотлар марказини барпо этишга қарор қилиниши "Жаҳолатга қарши – маърифат" деган ҳаётий қарар амалда рўбга чиқарилаётганининг ифода-сидир.

Бу йил Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллиги муборак Қурбон ҳайити байрами билан бир кунда нишонланадими. Бунда ҳам катта ҳикмат мурасам. Маънавиятни улуғлаш, буюк мутафаккирлар меросини тарғиб этиш борасидаги улугъвор ишлар ҳар бир қалбда шукроналик туйғусини жўш удраради. Ўзбекистон дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айлансин, халқингиз ҳаётдан рози ва мамнун бўлиб яшайверсин.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ
ёзиб олди

МУСИҚА ҚАЛБЛАРНИ
ЗАБТ ЭТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги ўта мураккаб замонда миллати, тили ва дини турлича бўлган миллионлаб одамларни ўзаро дўст қиладиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлайдиган мусиқа санъатининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали ҳам айнан шундай мақсадларга хизмат қилмоқда.

Халқаро форум қатнашчилари бу жиҳатларни фестиваль доирасидаги тадбирларда яққол ҳис қилди. Регистон майдонидаги асосий сахнада, шунингдек, Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Пастдарғом, Жомбой, Самарқанд туманларидаги истироҳат боғлари, мусиқа ва санъат мактабларида қарийб бир ҳафта давомида дунё халқлари куй-қўшиқлари янгради. Миллий рақслар ижро этилди.

Юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар билан ҳамкорликда уюштирилган концерт дастурларида ҳам халқлар ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, тинчлик тараннум этилди. Меҳмонлар жойларда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шiori остида ўтказилаётган байрам тадбирларида қатнашди.

Самарқанд шаҳридаги музейлар, хунармандлар марказлари ва меҳмонхоналарда фестиваль тарихига оид суратлар, миллий хунармандлик маҳсулотлари ва чолғу асбоблари кўргазмалари намойиш этилди. Ҳар қарич ери муқаддас заминимиздаги тарихий обидалар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ мажмуалар, таълим муассасалари, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатлар уюштирилди.

Анжуман доирасида ўтказилган "Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусидаги халқаро илмий-назарий конференция санъатшунос олимларнинг йирик халқаро анжумани сифатида муҳим ва долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди. Тадбирда 20 дан ортиқ мамлакатдан келган олим ва мутахассислар маърузалар қилди, тақдимотлар ўтказди.

30 август куни Регистон майдонидаги амфитеатрда фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар, юртимиз маданият ва санъат намоёндалари, жамоатчилик вакиллари халқаро мусиқа анжуманининг тантанали ёпилиш маросимига ҳам бўлди.

Фестиваль қатнашчилари ва ҳакамлар ҳайъати тадбирларнинг юқори савияда таш-

кил этилгани, юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий меҳмондўстлик учун мамлакатимиз раҳбариятига, халқимизга миннатдорлик изҳор қилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фестиваль иштирокчиларига йўллаган табрик сўзида билдирилган истаклар, фикрлар анжуман доирасидаги барча тадбирларда ўз ифодасини топгани, иштирокчиларни руҳлантиргани таъкидланди.

25-30 август кунлари дунё санъат аҳлининг бош сахнасига айланган Регистондаги амфитеатрда "Шарқ тароналари" XI халқаро мусиқа фестивали ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб, фаол жамоалар қатор номинациялар бўйича тақдирланди. ЮНЕСКО, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали дирекцияси, Самарқанд вилояти ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа ташкилотларнинг махсус мукофотлари топширилди.

Сахнага Эрон, Индонезия ва Туркиядан келган жамоалар тақлиф этилди. Уларга фестивалнинг учинчи даражали дипломлари топширилди.

Иккинчи ўринга Қирғизистон ва Литвадан келган санъаткорлар сазовор бўлди. Жанубий Кореянинг Геосонг халқ қўшиқларини сақлаш фонди жамоаси ҳамда мамлакатимиз вакили Моҳичеҳра Шомуродова биринчи ўринга муносиб, деб топилди.

Ниҳоят, ҳаяжонли лаҳзалар. Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, "Шарқ тароналари" XI халқаро мусиқа фестивалининг бош соврини – Гран-при Озарбайжон вакилига берилгани маълум қилинди.

– Дунё эътирофидаги ушбу фестивалда иштирок этишининг ўзи биз учун катта шараф бўлганини таъкидламоқчиман, – дейди Гран-при соҳиби, Озарбайжон Республикасида хизмат кўрсатган артист Соҳиб Пошшоода. – "Шарқ тароналари" бош совринини қўлга киритишнинг эса тарихий воқеа бўлди. Ҳозир қалбимда кечаётган ҳаяжон, фахр-ифтихорни сўз билан ифодалаш қийин. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу фестивални ташкил этган Ўзбекистон раҳбариятига, бизга жуда катта ҳурмат кўрсатган санъатсевар ўзбек халқига миннатдорлик изҳор этаман.

Маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан концерт дастури ҳамда "Ўзбекистон маданият мероси – умумбашарий бойлик" деб номланган 3D проекция-мусикали ёритиш томошаси намойиш этилди.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ҲАМЖИХАТЛИК ВА МЕҲР-
ОҚИБАТ АЙЁМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 августдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ юртимиз бўйлаб бу муборак кунга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Қурбон ҳайити кунлари Аллоҳнинг қўллаб хайру эҳсони ёйилади, ўзаро ҳамжихатлик, дўстлик ва меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланади, ҳамма баробар хурсанд бўлади.

– Ҳайит кунларида ота-оналаримизни, устозларимизни, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, ёру биродарларимизни йўқлаш саваб, – дейди ЎЗА мухбирига Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим mudiri Ҳомиджон Эшматбеков. – Беморлардан ҳол сўраб, муҳтожларга ҳадялар бериш, уларни ширин сўз билан хушнуд этиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Шукрки, мамлакатимизда улугъ байрамларимиз шоду хуррамлик ва кўтаринки кайфиятда осойишталик билан кўтиб олинмоқда. Бу, албатта, юртимиздаги тинчликпарвар ва халқчил сиёсатнинг қутлугъ намунасидир.

Қурбон ҳайити муносабати билан юртимиздаги 2 мингдан зиёд масжидларда, зиёратгоҳлар, тарихий қадамжоларда ҳашар ташкил қилинди, уларнинг атрофи ободонлаштирилди.

Ҳайит арафасида кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар топширилмоқда. Бу ишда давлат ва жамоат ташкилотлари бирдек бош-қош бўлмоқда.

У.АСРОРОВ

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР
САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, авваламбор касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда бир қатор имтиёз ва преференциялар яратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республикамиздаги касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишини якунлаган кундан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади. Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида ўз аксини топган. Бундан ташқари, мазкур қонунга кўра кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса ҳам кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра, касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган ёки фаолият уч ва ундан кўп ойга тўхтатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бугун давр учун тўланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиши таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, мазкур Фармонга кўра 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди суғурта бадалли ва яқка тартибдаги иш бевуви тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдориди солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан ўн нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Дилноза Мамасодиқова қўли гул тикувчилардан. У 2016 йилда касб-хунар коллежини тамомлаб, тадбиркор сифатида ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Миллий ва замонавий услубдаги либослар тикиш билан шуғулланадиган хунарманд "устоз-шогирд" аънаси асосида тенгдошларига ўз хунари сирларини ўргатишни ҳам самарали йўлга қўйган. У коллежни тамомлаган икки дугонасини ҳам ишга ёллаб, солиқ имтиёзидан унумли фойдаланган ҳолда бугунги кунда ўз бизнесини йўлга қўйди.

Навқирон авлод вакиллари эришаётган бундай ютуқларга яна қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин. Ёшларни излашишга, ҳалол меҳнат қилиб, фаровон яшашга ундаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Аловитдин ИНАГАМОВ,
Чилонзор туман ДСИ бошлиғи

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА
ҚОЛМАЙДИ

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Версаль" тантаналар уйида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари ҳамда ҳомий ташкилотлар кўмағида "Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!" деб номланган хайрия тадбири ўтказилди.

Унда беш юз нафар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оила аъзолари иштирок этди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида эҳтиёжманд оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари кўлами янада кенгайиб бормоқда.

Жорий йилда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида оилаларга ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига уй-жойлар ажратилди. Қатор оилаларнинг уй-жой шaroитини яхшилаш мақсадида ипотека кредитининг дастлабки маблағлари тўлаб берилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга олти фоизлик микрокредитлар ажратилди. Эҳтиёжманд оилаларга ногиронлар арава-чалари, эшитиш мосламалари, протез ортопедик маҳсулотлари етказиб берилди. Оғир касалликларга чалинган шахслар хусусий клиникаларда бепул тиббий хизмат кўрсатилиш, кам таъминлан-

ган оила аъзоларига стационар даволаш учун йўлланиш ва ордерлар бепул берилиши йўлга қўйилди. Биринчи маротаба тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга имтиёзли микрокредитлар ажратилиб, уларга даромад олиш имконияти яратилиб келинмоқда.

– Давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги, яқинларимнинг меҳр-муҳаббатли умримга умр қўшмоқда, – дейди Қурбон Эргашев. – Уч нафар фарзандим бор. Шайхонтохур туманида уй-жойсиз жуда қийналиб яшаб келаётган эдик. Бошимдан нималар ўтганини фақат ўзим биламан. Яратганга шукр, Олмазор туманидан уч хонали уй беришди. Ҳозир дунёда мендан бахтли одам йўқ. Юртимиз тинч, ҳаётимиз бундан ҳам фаровон бўлсин.

– Бугунги қувончи воқеа бутун умр хотирамда қолади, – дейди Гулбаҳор ая Аҳмедова. – Икки нафар қизим ва уч нафар неварам бор. Доимий яшаш уй-жойим бўлмаганлиги сабабли ижарама-ижара яшаб юрган эдик. Оиламга Сергелидан тўрт хонали уй беришди. Қувончим ичимга сифмаяпти.

(Ўз мухбиримиз)



O'ZSANOATQURILISHBANK

*“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ жамоаси барчангизни
энг азииз ва энг улуг айём – Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 26 йиллиги билан муборакбод этади!
Сизларга сиҳат-саломатлик, дастурхонингизга қут-барака,
юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлидаги-фидокорона
меҳнатингизда улкан-зафарлар тилаймиз!*

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ кенг танлов асосида юқори даромадли омонатларни таклиф этади.

Миллий ва хорижий валютадаги омонатлар:

“Мулоқот”

“Оила капитали”

Омонат тури – миллий валютадаги муддатли омонат.
Муддати – 7 ой.
Қўшимча шартлари – ҳисобланган фоизлар ҳар бир
ойда тўлаб берилади.

Омонат тури – АҚШ долларидаги жамғарма омонати.
Муддати – 12 ой.
Қўшимча шартлари – омонатга қўшимча маблағ қабул қилинади,
фоизлар ҳар бир ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкнинг курси бўйича миллий валютада тўлаб берилади.

• Банк ўз миқозларининг омонатларини фоиз даромадлари билан бирга тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.
• “Ўзсаноатқурилишбанк” даги аҳоли омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.
• Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (0 371) 140-66-32, 140-66-33.

Хизматлар лицензияланган

“ЧОРСУ СИФАТ ЛАҒМОН” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*қадрли ҳамшаҳарларимиз ва соҳа ходимларини
халқимизнинг энг улуг ва энг азииз байрами –
давлатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги шодиёналари
билан чин қалбдан самимий муборакбод этади.
Оилангизга бахту саодат, барча эзгу ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз.
Қалбимиздан мустақиллик шукуҳи ҳеч қачон қаримасин!*

РЕКЛАМА ЎРНИДА



UZTELECOM

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТШТТ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*барча ватандошларимизни
энг улуг, энг азииз байрам –
истиклолимизнинг 26 йиллиги шодиёналари
билан чин қалбдан табриклайди.
Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик,
қут-барака, бахт-саодат аримасин.
Мустақиллигимиз абадий бўлсин.
Эл-юрт тўқинлиги, халқ фаровонлиги,
жамиятимиз тараққиёти
йўлидаги эзгу ишларингизда
омад ва муваффақиятлар тилаймиз!*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 2 октябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу давлат активлари учун энг камида қуйидаги жадвалда иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун такдим этиладиган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;
- таклифлар (бизнес-режалар) солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.
- нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;
- жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

елимлаб оғзи ёпишган конвертга солинган, қуйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлар:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати; инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (зарур бўлганда);

талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва тегишли тармоққа илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (мавжуд бўлганда).

Такдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдо ғолибга бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли эклиги.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни/бюрогномаларни қабул қилиш оферта савдосини ўтказиш бошланишидан 1 иш кўни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 2 октябр кўни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16А-ўй манзилида ўтказилади.

Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 17 октябр, 1, 16 ноябрь ва 1, 18 декабрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16А-ўй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08.

Оммавий оферта савдоларига тақдоран чиқарилаётган давлат активлари РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Объект хисоби	Бино ва инвентаризация нумари (қ.н.н.)	Давлат эълони нумари (%)	Бизнес-режалар	АСОС: ПК/БМК	Савдо чакралаи паран (сўм)	Инвестиция мажбурияти
1.	Маълумот биро	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Муҳаммад йўли, 107-ўй	7550.0	-	Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси “Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси” ДУК	ПК-2463 31.12.2015г.	26 360 682 756.00	- лог юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - кўпмача инвестиция мажбурияти олиш; - энг юқори ўринларни таъинлаш этиш; - барча қайишга ва кўпмача инвестиция қаритилиш қисқа муддатларда амалга ошириш
2.	Бир қаватли бинонинг 379 та эришга тегиш бўлган фойдаланишнинг қўлдан қилиш	Тошкент шаҳри, Шайхонзод тумани, Бунёдкор шох кўчаси, 4А-ўй	379.0	-	Тошкент шаҳар Шайхонзод тумани ҳокимлиги	БМК-39 02.03.2015г.	1 707 783 049.33	- лог юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - энг юқори ўринларни таъинлаш этиш; - барча қайишга ва кўпмача инвестиция қаритилиш қисқа муддатларда амалга ошириш
3.	Қўриқни тўқилинган биро	Тошкент шаҳри, Басмачи тумани, Чарчиқбўйи кўчаси	2 194.0	-	Тошкент шаҳар Басмачи тумани ҳокимлиги	БМК-205 25.07.2015г.	1 404 154 739.00	- лог юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - кўпмача инвестиция мажбурияти олиш; - энг юқори ўринларни таъинлаш этиш; - барча қайишга ва кўпмача инвестиция қаритилиш қисқа муддатларда амалга ошириш
4.	МҚК таъинлаш “Бозор” Ўзбекистон-Амриқа қўмак қоритилиш	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сайран кўчаси, 26-ўй	-	17.5 %	МҚК таъинлаш “Бозор” Ўзбекистон-Амриқа қўмак қоритилиш	ПК-2340 28.04.2015г.	1 331 546 580.00	- лог юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - барча қайишга қаритилиш қисқа муддатларда амалга ошириш

РЕСПУБЛИКА ОИТСГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ МАРКАЗИ ГЛОБАЛ ЖАМҒАРМА ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ГУРУҲИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Молиявий масалалар бўйича координатор

Ўзбекистон Республикаси ОИТСга қарши қурашиш марказида танлов комиссияси тузилган. Танловда қатнашиш истагини билдирганлар резюмеларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 12-ўй, Ўзбекистон Республикаси ОИТСга қарши қурашиш маркази биноси, 4-қават

Резюме такдим қилиш муддати –

2017 йил 28 августдан 25 сентябргача.

Резюме ёпиқ, муҳрланган конвертда, конверт устида бюортма қайси лавозим учун берилаётганлиги кўрсатилган ҳолда такдим этилиши лозим.

2017 йилнинг 25 сентябрь кўни соат 18.00 дан кечиккан бюортмалар кўриб чиқилмайди.

Юқорида кўрсатилган лавозим учун белгиланган техник вазифалар билан

www.med.uz веб-сайтининг лойиҳалар бўлимида танишиш мумкин.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Учтепа туманидаги 8-сонли давлат нотариал идораси қотибаси Дилафруз Турдиевага отаси Козимжон Шукорович ГАФУРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

КАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ватанимиз истиқлолининг 26 йиллиги шодиёналари билан барчангизни

чин кўнгилдан қутлаймиз.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, ўйлаган эзгу ишларимиз

рўёбини кўриш ҳаммамизга насиб этсин.

Байрам шукуҳи, янги орзулар ҳеч биримизни асло тарк этмасин!

“2-AВТОБУС САРОЙИ” МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
2018 йил учун таянч докторантура(PhD) институтига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:07.00.09 ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРИХИ
08.00.09 ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

12.00.03 ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ, ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ, ОИЛА ҲУҚУҚИ, ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

12.00.10 ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

23.00.04 ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР, ЖАҲОН ВА МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СИЁСИЙ МУАММОЛАРИ

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Таянч докторантура(PhD) институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари (диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камда битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламлари киритилган маъруза тезислари эга бўлиш талаб этилади);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиаси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар. Талабгорларда IELTS (уртача балли камда 5.5), TOEFL(PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топширилаётган имтиҳонлардан озод этилади.

Ҳужжатларни қуйидаги манзил бўйича топшириш мумкин:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси-54. “Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. “А” бино, 1-қават, 9-хона.

Мурожаат учун телефон 267-07-07. Расмий сайт: www.uwed.uz.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

2018 йил учун докторантура(DSc) институтига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

12.00.10 ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ
23.00.04 ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР, ЖАҲОН ВА МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СИЁСИЙ МУАММОЛАРИ

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Докторантура(DSc) институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари (диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камда учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламлари камда иккита тезисга эга бўлиш талаб этилади).

Ҳужжатларни қуйидаги манзил бўйича топшириш мумкин:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси-54.

“Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. “А” бино, 1-қават, 9-хона.

Мурожаат учун телефон 267-07-07. Расмий сайт: www.uwed.uz.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

2018 йил учун мустақил изланувчилик институтига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

07.00.09 ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРИХИ
08.00.09 ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

12.00.03 ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ, ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ, ОИЛА ҲУҚУҚИ, ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

12.00.10 ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

23.00.04 ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР, ЖАҲОН ВА МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СИЁСИЙ МУАММОЛАРИ

Ҳужжатлар 2017 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Мустақил изланувчилик институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатларни қуйидаги манзил бўйича топшириш мумкин:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси-54. “Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. “А” бино, 1-қават, 9-хона.

Мурожаат учун телефон 267-07-07. Расмий сайт: www.uwed.uz.

“TASHKENT REALTOR SERVICE” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Т.Малик кўчаси, 3“А”-йи манзилида жойлашган “Маъмурий ва ишлаб чиқариш биноси”нинг бир қисмини, яъни умумий майдони 2443,0 кв.м., шу жумладан ишлаб чиқариш (турар жой) майдони 2112,0 кв.м. га тенг бўлган қисми қўйилмоқда, бошланғич баҳоси 2 956 290 400 сўм.

Очик аукцион савдоси 2017 йил 2 октябр кунини соат 11-00 да Республика Биржа маркази биносидан бўлиб ўтади. Мазкур объект сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2017 йилнинг 18 октябры, 3 ноябры кунлари соат 11-00да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истаксини билдирган шахслар “Закалат пули тўғрисидаги қелишув” ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “TASHKENT REALTOR SERVICE” МЧЖнинг “Ипак йўли” АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги 2020800804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18-00 да тўхтатилади ва такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16-00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-№0008.

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД
ДОМО БИГУРМаҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ТЎРТЛИКЛАР

Гўзаллик кўнгилнинг тубидаги дур,
Гўзаллик кўнгилнинг юзидаги нур.
Гўзалликни гўзал кўрсатган эса,
Аслида одамнинг кўзидаги нур.

* * *

Жоннинг жамолини кўргинг келарми,
Дилнинг камолини кўргинг келарми.
Билсанг, бу дийдорнинг хуш талаби бор,Нафсингга бир пичоқ ургинг
келарми?

* * *

Хуш кўрган одаминг, хушдаги
офтоб,
Хизрни туш кўрсанг, тушдаги
офтоб.Ўнгингда дуч келган яхшилар эса,
Бошингда чарх урган қушдаги офтоб.

* * *

Жон ичра бу жоннинг жамоли
хушдир,
Дил ичра бу дилнинг камоли
хушдир.Муҳаббат дунёнинг чиройи бўлса,
Ақлу тафаккурнинг аъмоли
хушдир.

* * *

Ойдин тун Оллоҳнинг дилга карами,
Булбулнинг зорлари гулга карами.
Хушназар қулни ҳам султон
қилғучи,

Ҳабаш Билол бахти қулга карами.

* * *

Гул ичра гулинг йўқ, бўстонинг
қайда,
Дил ичра дилинг йўқ, осмонинг
қайда.Чорлаб чарчайдирсан жумла
жаҳонни,Жон ичра юз очган жаҳонинг
қайда?

* * *

Орзу – сен кўзлаган тоғнинг
чўққиси,
Кувонч қўлингдаги гулнинг хуш
иси.Агар бепарвосан, боқибегамсан,
Жисмингга чирмашгай гафлат
қайғуси.

* * *

Ёзинг ёмғирида ётнинг шираси,
Дехқон дилидаги доднинг шираси.
Баҳор ёмғиридек мадор бўлғуси,
Ўрнида айтилган сўзнинг сараси.

* * *

Орзу ушалганда сўзинг бол бўлгай,
Умид узилганда қаддинг дол бўлгай.
Не бўлса шукрини қилмоқ жоиздир,
Ҳақ билар, дилингда не хаёл бўлгай.

* * *

Ҳар майса заминнинг саловатидир,
Булоқлар бетиним ибодатидир.
Бир тилсиз майсача бўлмадинг,
Маҳмуд,

Инсон ахир Оллоҳ кароматидир.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
1 сентябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи —

36-38 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра,
1 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиши даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-552007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинганНашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида териш ва саҳифаландиМУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИБизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 835Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5001 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2Нашр учун масъул
О. Ҳазратов«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уйБош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.00